

АҲОЛИГА ЯШАШ ЖОЙ ВА УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ХИЗМАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯСИ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Рахимов Абдихаким Мухаммадиевич

НҚарМII мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7294388>

Annotatsiya: Мақолада аҳолига яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг муаллифлик таснифи келтирилган. Яшаш жой ва умумий овқатланиш хизматларини ташкил этишда алоҳида эътибор қаратиладиган ижтимоий-иқтисодий жиҳатлар тадқиқи этилган.

Kalit so'zlar: хизматлар тармоғи; яшаш жой ва умумий овқатланиш хизмати, меҳмонхона хўжалиги; перспектив таҳлил, иқтисодий таҳлил.

Инсоният ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзида вужудга келадиган зарурий табиий эҳтиёжларини қондиришда ҳаётий турли ўлчовлардан фойдаланади. Бу ўлчовларнинг барчаси ҳам эҳтиёжнинг оптимал талаби сифатида баҳоланмайди. Шу сабабли турли физик, биологик, физиологик, географик ва бошқа хусусиятларни мужассамлаштирган эҳтиёж тўпламларининг кесишмаси оптимал ўлчовни аниқлашга асос бўлади. Бу ўлчовлар меъёр тушунчасини келтириб чиқаради.

Турли манбаларда меъёр тушунчасининг бир қанча тавсифлари келтирилади. Фалсафий жиҳатдан у “объектнинг сифати билан миқдор ўртасидаги диалектик бирликни ифодаловчи тушунча. Ҳар қандай объектнинг сифати муайян миқдор (муайян системанинг хусусиятлари, томонлари, белгилари, компонентлари, сони ва ҳ. к.) билан узвий боғлиқ. Меъёр доирасида миқдор хусусиятлари элементлар сони, ўлчами, боғланиш тартиби, ҳаракат тезлиги ва шаклининг ўзгариши ҳисобига бошқа шаклни олиши мумкин. Меъёр объектнинг миқдор ўзгариши, ўз навбатида, сифат ўзгаришига олиб келадиган (ва аксинча) чегарани билдиради. Меъёр тушунчаси муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга: фаолиятнинг ҳар қандай шаклида меъёр бўлиши муваффақият гаровидир. Предметни унинг сифат ва миқдор хусусиятини аниқламасдан туриб билиш мумкин эмас” сифатида тавсифланади.

Худди шу каби истеъмол меъёри тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг манбаларда “аҳолининг сиҳат-саломатлигини таъминлаш ва иш қобилиятини саклашда муҳим аҳамиятга эга бўлган озиқ-овқат ва

хизматларни истеъмол қилишнинг миқдорий меъёрлари (ўлчами, ҳажми, ва бошқ). Истеъмол меъёри аҳоли истеъмолини энг мақбул даражага келтириб, инсон камолотини таъминлашга хизмат қилади, миқдоран ўлчаш мумкин бўлган товарлар ва хизматларга нисбатан ишлатилади” каби тавсифлари келтирилади.

Дунёнинг турли ижтимоий-иқтисодий кенгликларида, айтайлик, мамлакатлар кесимида мавжуд иқтисодий ҳолат, географик ва бошқа шароитлардан келиб чииб истеъмол меъёри маълум қуйи ва юқоридан чегараланган интервалда ишлаб чиқилади. Инсоннинг биологик мавжудлигида энг оптимал ҳолатини белгилловчи озиқ-овқат истеъмол меъёри киритилган бўлиб, бу унинг озиқ-овқат турларини қанча миқдорда истеъмол қилиши заруриятини белгилаб беради.

Озиқ-овқат танқислиги кузатилаётган бугунги кунда озиқ-овқат истеъмол меъёрининг қуйи чегараларини белгилаш энг муҳим жиҳатга айланмоқда. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ишлаб чиққан меъёр буйича бу кўрсаткич 2300 килокалорияга тенг. Умуминсоний меъёрлар мамлакатлар, минтақалар ва ҳудудлардаги табиий шароит ва истеъмол кўникмаларини ҳисобга олиб, аҳолини ёшига, иш характериға қараб табақалаштирилади. Бу меъёр масалан, Хитойда 2150, Ўзбекистонда 2500 калория қилиб белгиланган. Истеъмол меъёрлари аҳоли ёшиға қараб табақалашганда 16 дан катта ёшлилар 1 шартли истеъмолчи бўлсалар, болалар 0,2, 0,3, 0,5, 0,7, 0,9 истеъмолчи деб қабул қилинади, шунга қараб махсус меъёрлар белгиланади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда 840 миллиондан ортиқ киши, яъни деярли саккиз одамдан бири тўйиб овқатланмайди. Сайёрамиз аҳолисининг 30 фоизидан ортиғи тўлақонли овқатланмаслик, асосий микроэлемент ва витаминлар етишмаслиги муаммосини бошидан кечирмоқда. Шунинг учун дунёда 160 миллиондан ортиқ бола бўй ўсиши, жисмоний ва интеллектуал ривожланиш билан боғлиқ камчиликлардан азият чекад. Озиқ-овқат меъёрини танлашда турли мамлакатларда турли ўлчовлар жорий этилганлигининг объектив сабаблари кўпгина илмий тадқиқотларнинг илмий натижаларига бевосита боғлиқдир. Масалан, ЖССТ тадқиқотларида илғор маиший соғлом мухитни яратаётган мамлакатлар кундалик киши бошиға мева сабзавот истеъмолини одатдагидан 2-2,5 баробар камайтирганлиги, яъни 400 граммдан 150-200 граммга камайган. Ҳозирда агар мазкур ташкилотнинг тавсияларига амал

қилинса, у ҳолда зрта меъёрда бир кишига бир йилда 126 дона нон ҳамда 250 кг сут маҳсулоти, 15-16 кг балиқ ҳамда 44-45 кг гўшт маҳсулоти, 250 дона тухум ҳамда 35-36 кг шакар, шунингдек, 258 кг полиз сабзавот ҳамда мева, узум тўғри келади.

Маълумотлар кўрсатишича ЖССТ ва Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлиги (ЎЗРССВ) тавсияларида фарқлар кузатилади. Масалан, нон ва нон маҳсулотларида -36,9 кг, ўсимлик ёғида -0,8 кг, гўшт ва гўшт маҳсулотларида -13,4 кг, шакарда +2,5 кг, сут ва сут маҳсулотларида +62 кг, тухумда 46 дона, картошкада -51,3 кг, сабзавот ва полиз маҳсулотларида +10,2 кг, хўл мевалар ва узумда -27,9 кг, балиқ ва балиқ маҳсулотларида -8,8 кг фарқ мавжуд. Ҳозирги кунда, мамлакатимизда амалда жорий қилинган қаътий истеъмол меъёри мавжуд деб бўлмайди, ҳозирги келтирилган меъёрий ўлчовлар ЎЗРССВ тавсиялари ва илмий тадқиқотлар натижасида нисбий олинган ўлчовдир. Бу ўлчов ҳам маълум бир даврлар алмашинувида ўзгариб борган. 2020 йилда 2000 йилга нисбатан нон ва нон маҳсулотлари 2,1 кг га, тухум 24 донага, картошка 36,1 кг га, балиқ ва балиқ маҳсулотлари 11,6 кг га ошган бўлса, гўшт ва гўшт маҳсулотлари 2,6 кг га, сут ва сут маҳсулотлари 61,6 кг га, сабзавот ва полиз маҳсулотлари 19,6 кг га, хўл мевалар ва узум 18 кг га камайган.

Юқоридаги ҳолат минтақа аҳолисининг овқатланиш бўйича турмуш тарзининг амалдаги меъёрларга мос келмаслигини кўрсатиб турибди. Бунинг турли сабабалари бўлиши мумкин. Монографик тадқиқот натижалари аксарият аҳолининг истеъмол меъёри бўйича етарлича тўлиқ тушунчага эга эмаслигини кўрсатмоқда. Сўровномада иштирок этган 440 та кишининг 402 таси (91 фоизи) кунлик озиқ-овқат рационининг аҳамияти билан қизиқмаслигини таъкидлаган. Шундай бўлсада, инсон ўзи тўлиқ англамаган ҳолда табиий қонуниятларга бўйинсиниб яшаши исботланган жиҳатдир. Демак, бу ерда вилоят аҳолисининг мазкур турмуш тарзига таъсир этувчи бошқа муҳим омиллар мавжуд дейиш мумкин. Айниқса биологик-моддий эҳтиёжларнинг қондирилиш даражаси иқтисодий омилларга кучли боғланган бўлади.

Бу ерда истеъмол меъёри ва ҳақиқий миқдорлар ўртасида тафовутнинг юзага чиқишини аҳолининг иқтисодий турмуш тарзига оид асосий кўрсаткичлари ёрдамида тадқиқ этиш асосий таъсир омилларини баҳолаш имкониятини беради. Шундай кўрсаткичларга аҳолининг истеъмолга мойиллик, жамғариш кўрсаткичларини киритиш мумкин. Бу кўрсаткичларнинг ўртача ва чекланган (меъёрий) турлари

фарқланади.

Истеъмол ва жамғариш тушунчалари аҳолининг иқтисодий жиҳатдан қарама-қарши йўналган иқтисодий имиджини ҳосил қилувчи эканлигини таъкидлаш жоиз. Уларнинг ҳажмини белгиловчи асосий омил сифатида уй хўжаликларининг даромадлари, амалга оширган тўловлари ҳамда ўзларининг тасарруфидаги даромад кўрсаткичидир.

Статистик манбаларга кўра Қашқадарё вилоятида сўнги беш йилликда аҳоли жон бошига тўғри келувчи ўртача даромад кўрсаткичи 6442,4 минг сўмдан 12299,8 минг сўмга ошган. Шу билан мос равишда аҳолининг истеъмол ҳаражатлари ҳам маҳсулот нархларининг ортиши ҳисобига табиий равишда ошиб боради. Бу ҳолат озиқ-овқат истеъмоли ҳаражатлари учун ҳам ўринлидир. Ҳақиқатан, аҳоли истеъмол қилган жами ўртача озиқ-овқат маҳсулоти киши бошига 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 6 фоизга, 2015 йилга нисбатан 8 фоизга, 2010 йилга нисбатан 25 фоизга, 2005 йилга нисбатан 43 фоизга ошган. Бу ўсиш даражасининг аҳолининг даромади ва унинг сарфи бўйича ўзаро боғлиқлиги мавжуд. Буни тушунтиришда минтақа аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолига мойиллик даражасини билиш катта аҳамиятга эга. Бу ерда мойиллик аҳолининг ҳудудий таркибига кўра танланиш менталитетидан келиб чиқадиган табиий эҳтиёжлар қоришиғидир.

References:

1. Қашқадарё вилоят статистика бошқармаси ахборотномаси. Электрон манба: <https://www.qashstat.uz/uz/rasmiy-statistika/services-2>
2. Басовский, Л.Е. Прогнозирование и планирование в условиях рынка / Л.Е. Басовский. - М., 2002.
3. Molchanov N. N., ed. Marketing v informatsionnom obshchestve [Marketing in the information society]. Moscow: RG-Press, 2013. 408 p
4. Mukhitdinov K. S., Rakhimov A. N. Empirical models which were built for each sector of the service sector to the population of the region //South Asian Journal of Marketing & Management Research. – 2020. – Т. 10. – №. 12. – С. 72-85.
5. Қашқадарё вилояти аҳолисига транспорт хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишини тренд моделлар асосида баҳолаш Иқтисодиёт ва таълим журналі.4-сон. 2021 йил 398-402 б М.А.Очилов, А.Н.Рахимов.